



## ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ САНОАТЛАШТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Сапаров Элмурод Донабаевич*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси мустақил*

*изланувчиси, [elmurod\\_saparov@inbox.ru](mailto:elmurod_saparov@inbox.ru)*

*<https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>*

## USE OF LOCAL BUDGETS IN THE INDUSTRIALIZATION OF THE REGIONAL ECONOMY

*Saparov Elmurod Donabayevich*

*Researcher, Academy of Public Administration under the President of the Republic of*

*Uzbekistan, [elmurod\\_saparov@inbox.ru](mailto:elmurod_saparov@inbox.ru)*

*<https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>*

### **JEL Classification: G2, G24**

**Аннотация.** Мақолада ҳудудлар иқтисодиётини саноатлаштиришда маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишининг илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий қарашлар ва ёндашувлар ўрганилган, Сурхондарё вилояти мисолида кичик саноат зоналарини ташкил этиш орқали ҳудудда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари улушини оширишда маҳаллий бюджетлар қўшимча даромадларидан фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Abstract.** The article describes the scientific and practical basis for the use of local budgets in the industrialization of

**Кирриш.** Замонавий шароитда Ўзбекистон иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришда иқтисодиётни саноатлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда саноатлашган иқтисодиётни барпо этиш, мавжуд хом-ашё ва руесурслардан тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш орқали қўшилган қиймат

regional economies. Scientific-theoretical views and approaches to the socio-economic development of the regions were studied, proposals and recommendations on the use of additional revenues of local budgets to increase the share of industrial production per capita in the region through the establishment of small industrial zones on the example of Surkhandarya region.

**Таянч сўзлар.** маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромади, маҳаллий бюджет қўшимча даромадлари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик саноат зоналари

**Keywords.** local budget, local budget revenue, additional budget revenue, socio-economic development of the region, small industrial zones.

занжирини яратиш, аҳоли учун доимий иш ўринларини яратилиши пировардида барқарор даромад эгаси бўлишига эришиш имконини тақдим этади. Мазкур стратегик вазифа республика ҳудудларида амалга оширилиб, натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари улушининг ўсишига эришилади.

Республикада «... саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва вилоятларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди. Натижада, сўнгги тўрт йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоизга, шу жумладан электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озик-овқат, фармацевтика, заргарлик саноати, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа истеъмол моллари ишлаб чиқариш сингари саноатнинг ҳудудларда жадал ривожланаётган тармоқлари 1,3 баробардан кўпроқ ўсди» [1].

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, мазкур ҳудудга молиявий оқимлар (инвестициялар) кўпроқ ёки камроқ жалб қилиниши мумкин. Шу боис, ҳудудлардаги аҳолининг турмуш шароити, бизнесни йўлга қўйиш учун яратилган шароит молиявий ресурслар оқимининг кенгайиб боришини, улар ҳаракатининг тезкорлигини таъминлаши натижасида маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад базасини ҳамда ҳудудда давлатнинг аҳолини ижтимоий неъматлар билан таъминлашни узлуксиз молиялаштириш имконини тақдим этади ёки аксинча. Шу билан бирга, мазкур жиҳат ҳудуднинг рақобат феноменининг моҳиятини очиб беради.

Замонавий шароитда ташқи таъсирларнинг кучайиши ва ноаниқлик шароитида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантирувчи ёндашувларни ва воситаларни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, мамлакат тараққиётининг ўрта ва узоқ муддатли

ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шароитида мамлакат ва унинг ҳар бир ҳудудининг ривожланиш даражасининг “олтин ўрточа”сини топиш жуда муҳим саналади. Фикримизча, бунда устуворликлар стратегияда кўрсатилган тенденцияларга мувофиқ шакллантирилса, ҳудуд маҳаллий бюджети сиёсатининг мақсадлари аниқ йўналишларни ҳисобга олиш имконини тақдим этади. Яъни, ҳудуд ихтиёрида қолдирилаётган кўшимча даромад манбалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида молиявий ресурслар келгуси даромад келтиришини кўзланган ҳолда сарфланишининг йўлга қўйилиши ҳудуддаги ижтимоий соҳани ривожлантириш, ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тадбиркорлик учун шароит яратишни тақозо этади.

Республикада сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилаётган ортиқча тушумларнинг фойдаланиш даражасини баҳолаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун инфратузилмани яратиш пировардида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудида саноат ишлаб чиқаришни оширишга эришиш учун мазкур маблағлардан мақсадли фойдаланишга эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур илмий мақоланинг мақсадини белгилаб беради.

**Материал ва метод.** Давлат молияси назариясининг намоёндаларидан R.Musgrave[2] ва J.Stiglitz [3] тадқиқотларида бюджет харажатларини шакллантириш ва самарадорлигини баҳолаш муаммоларини ўрганган ҳолда, «харажатлар - фойда» таҳлили усулидан фойдаланиш илгари сурилган.

А. Wildavski АҚШда бюджетдан самарали фойдаланиш назариясини яратишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, бюджет жараёнининг самарадорлиги назарияси унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг характерини тавсифлаши; бюджет жараёни иштирокчилари муваффақиятини оммалаштириш, стратегиялар натижадорлигидан келиб чиқиб бюджетни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишга эришиш муҳим [4].

Иқтисодчи олимлар Т.Морин и М. Partridge АҚШнинг қолоқ туманларида аҳоли даромадлари ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича ҳудудий дастурнинг амалга ошириш бўйича тажрибаларини тадқиқ қилган. Муаллифлар федерал ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳудудий дастурларга сарфланиши пировардида олинган натижаларни баҳоловчи индикаторларни илгари суради [5].

Юқорида ўрганилган хориж тадқиқотларида илмий мақолада ёритиб берилиши назарда тутилган илмий қарашлар учрамайди.


Маҳаллий иқтисодчи олимлар, жумладан: Н.Ашурова [6], Э.Гадоев [7] Т.Маликов [8], Н.Хайдаров [8], А.Маманазаров [9], А.Исламкулов [10], О.Олимжонов [11], Д.Кучкаров [12], Х.Қобулов [13] тадқиқотларида турли даражадаги бюджетлар даромад ва харажатларига оид илмий изланишларни учратиш мумкин. Лекин, мазкур илмий мақола мавзуси борасида илмий ишланмалар деярли учрамайди. Фикримизча, замонавий шароитда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар учун инфратузилма

яратиб бериш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари улушини оширишда маҳаллий бюджетлар ихтиёридаги ортикча пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни илмий тадқиқ қилиш илмий соҳадаги долзарб вазифалардан биридир.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ҳудуднинг ривожланиш даражаси, у ердаги аҳолининг турмуш шароити, ҳудуднинг ихтисослашуви, ҳудуднинг саноат салоҳияти ва жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотларини улуши каби қатор кўрсаткичлардан келиб чиқиб мунтазам ўзгариб боради. Илмий изланиш кўрсатишича, бозор иқтисодиёти асосида ривожланган давлатларда давлат ва жамият тараққиёти даражасининг ортиб бориши билан давлат бошқаруви функцияларининг салмоқли қисми ҳудудларга ўтади, чунки улар даражасида давлат ва маҳаллий манфаатларни, шунингдек, хусусий ва жамоат тузилмаларини яхшироқ мувофиқлаштиришга эришиш муҳим ҳисобланади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш воситалари ҳам шунга мос равишда ўзгариб боради.

Республика ва унинг ҳудудлари ривожланишининг турли босқичларида давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим ҳисобланган воситалардан кенг фойдаланилади. Мазкур молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларининг мақсадлари ва таркибий қисмлари ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларга қараб марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

Илмий изланишларга кўра, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг институционал тармоқ воситалари сифатида қуйидагилар қайд этилади.



**1-расм. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг институционал тармоқ воситалари**

1-расмга кўра, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг институционал тармоқ воситаларидан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар кенг миқёсда фойдаланиб келинган. Замонавий шароитда Ўзбекистонда худудларни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий воситаларидан бири бўлган кичик саноат зоналарини ташкил этиш орқали худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳолатни кейинроқ Сурхондарё вилояти мисолида батафсил таҳлилни келтириб ўтамиз.

Глобал рақобатбардошлик ҳисоботида таъкидланганидек, юқори даражада ривожланган инфратузилма худудий иқтисодиётнинг самарали фаолият юритиши учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у иқтисодий субъектларнинг жойлашишини, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасини эгаллаши мумкин бўлган фаолият тур ёки тармоқларини белгилайди [14]. Бунда, худуднинг ривожланишига хизмат қилувчи ресурс ва ташкилий имкониятларни тўғри баҳолаган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги маҳаллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб

таъкидлайдиган бўлсак, худудлар иқтисодий инфратузилмасини яратиш ва яхшилашга сармоя киритиш марказий ва маҳаллий даражада иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг самарали ва оқилона воситаси ҳисобланади. Фикримизча, худудий иқтисодиётни инфратузилмавий ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар қисқа муддатда яратилган иш ўринлари ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш орқали жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этишни таъминлайди; ўрта муддатли истиқболда улар саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини рағбатлантиради ва узок муддатда транзакция харажатларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистонда замонавий шароитда нафақат худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиявий тартибга солишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Бунда халқаро амалиётда қўлланиладиган инфратузилма лойиҳаларини «молиялаштиришнинг

консессия механизми»<sup>1</sup>ни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Изланишларнинг кўрсатишича, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий тартибга солишни таъминлашга қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-демографик ҳолати ва турмуш фаровонлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими;

- саноат ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат

- ҳудудда соғлом рақобат муҳитининг мавжудлиги, ҳудудий давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий салоҳияти ва рақобатбардошлиги;

килувчи ҳудудий инфратузилмани мавжудлиги ва б. Мазкур омил ва воситаларни куйидаги 1-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин:

**1-жадвал**

**Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш воситалари**

Номланиши	Тартибга солиш таъсири
Меъёрий-ҳуқуқий	Ҳудуднинг молиявий ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирчан туртки бериш.
Маъмурий	Ҳудудда ишбилармонлик муҳитини яратиш, ҳудуд иқтисодий жозибадорлигини ошириш.
Бюджет-солиқ	Ҳудуднинг бюджет билан таъминланиш даражаси; солиқ салоҳияти; юқори бюджетдан молиявий ёрдамлардан мақсадли фойдаланиш; ижтимоий таъминотдаги номутаносибликни юмшатиш; кўшимча маблағлардан потенциал солиқ тўловчиларни шакллантириш мақсадида фойдаланиш.
Давлат мақсадли жамғармалари ва давлат корхоналари	Давлат мақсадли жамғармалари молиявий ресурслари ижтимоий вазибаларни амалга оширишга йўналтирилади. Давлат корхоналари молиявий ресурслари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг инвестиция тарзида қаралади.

Ҳудудларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий тартибга солиш воситаси бўлиб, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланиш реалликларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг ижтимоий

ҳаражатларининг мажбурий минимал миқдорини молиялаштиришдан иборат.

Фикримизча, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари улушининг ошириш, аҳоли даромадларини оширишда кичик саноат

<sup>1</sup> «Молиялаштиришнинг консессия механизми» тараққиёт мақсадларига эришишни тезлаштириш мақсадида фойдаланиладиган бозор ставкаларидан молиявий қўллаб қувватлаш

дастурлари мажмуи <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/feature/2021/09/16/what-you-need-to-know-about-concessional-finance-for-climate-action>

зоналари алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, республикада кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

– ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

– инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

– реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

– бино ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш учун кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан ажратилган маблағлар уларни хусусийлаштиришда ҳисобга олинади [15].

Республикада янги рақобатбардош ишлаб чиқариш ва кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз равишда амалга оширилаётган чоратadbирлар доирасида 150 та кичик саноат зоналари ташкил қилиниб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 трлн сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва уларда 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган [16].

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга қўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, авваламбор фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини оширишга хизмат қилади.

**Натижалар.** Ўзбекистонда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида табдиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, улар учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда «худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашга Давлат бюджетидан маблағлар

ажратилишининг мақсадга мувофиқлиги» қайд этилган [17].

Илмий мақола мақсадидан келиб чиқиб, Сурхондаё вилоятида саноат ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, ҳудуддаги аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари

улушини ошириш мақсадида кичик саноат зоналарига оид маълумотларни таҳлил қиламиз. Таҳлилларга кўра, 2018 йилдан бошлаб вилоятда кичик саноат зоналарини ташкил этиш бошланган.

2-жадвал

Сурхондарё вилоятидаги кичик саноат зоналари ва улардаги лойиҳалар [18]

Т/р	Туман ва шаҳарлар номи	Кичик саноат зона сони	Жами лойиҳалар			Амалга оширилган		
			сон	қиймати (млн.сўм)	Иш ўрни (жами)	сон	қиймати (млн.сўм)	Иш ўрни
1	Термиз ш.	1	9	28 493,2	132	7	22 656,0	92
2	Ангор	3	14	77 800,4	120	12	16 755	95
3	Музработ	3	7	7 167,4	89	4	5 775,6	60
4	Узун	2	17	15 348,0	175	14	12 773,2	157
5	Термиз т.	2	7	16 032,0	74	2	4 020,0	11
6	Олтинсой	2	14	18 056,0	122	6	5 806,0	53
7	Денов	4	15	29 386,0	191	3	11 236	44
8	Жарқўрғон	3	10	27 030,0	141	4	4 286	37
9	Сариосиё	1	14	14 927,6	110	8	11 233,0	64
10	Бойсун	1	24	12 380,0	107	5	2010,00	20
11	Қизириқ	3	1	1 300	8	1	1 300	8
12	Қумқўрғон	5	30	41 449,0	242	1	1140,00	14
13	Шеробод	1	0	0	0	0	0	0
14	Шўрчи	2	21	7 190,0	108	2	1080	16
15	Бандихон	2	14	100 547,0	446	2	1 112	14
<b>Вилоят бўйича</b>		<b>35</b>	<b>197</b>	<b>397 106,8</b>	<b>2 065</b>	<b>71</b>	<b>101 182,8</b>	<b>685</b>

Муаллиф ишланмаси.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ўтган давр мобайнида Сурхондарё вилоятида жами 35 та кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, умумий қиймати 397106,8 млн.сўм миқдоридаги 197 та лойиҳа амалга оширилган. Натижада вилоятда 2 065 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Ўтган давр мобайнида 101 182,8 млн.сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилиб, 71 та лойиҳалар амалга оширилган, 685 та янги иш ўрни ташкил этилган. Қолган 126 та

лойиҳаларни ишга тушириш натижасида 299435,0 млн.сўм миқдоридаги инвестициялар жалб қилиниши, 1 380 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Вилоятдаги мавжуд кичик саноат зонасида жойлашган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари мунтазам ўрганилганда, уларни кўпроқ муҳандислик-коммуникация тармоқларини етишмовчилиги муаммоси энг кўп учрайди.

3-жадвал

**Кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация тармоқларини етишмовчилигини бартараф этишга зарур бўладиган маблағлар [18]**

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Кичик саноат зона номи	Жами талаб этиладиган маблағ, млн. сўм
1.	Термиз шаҳри	“Термиз”	220,0
2.	Ангор тумани	“Ангор”	1 243,6
		“Янги Турмуш”	1 657,0
		“Шаркгули”	5 764,0
3.	Музработ тумани	“Музработ”	276,0
		“Алпомиш”	2 420,0
		“Янгидиёр”	2 075,0
4.	Узун тумани	“Узун”	655,3
		“Истиклол”	6 939,0
5.	Термиз тумани	“Термиз”	509,0
		“Нурафшон”	8 465,0
6.	Олтинсой тумани	“Олтинсой”	1 000,0
		“Бўстон”	5 350,0
7.	Денов тумани	“Денов”	0,0
		“Саноатчилар”	390,0
		“Янгиобод”	1 040,0
		"Нуристон"	1 010,0
8.	Жаркўрғон тумани	“Жаркўрғон”	322,0
		"Янгиобод"	1 400,0
		"Кўштепа"	4 448,0
9.	Сариосиё тумани	“Сариосиё”	484,2
10.	Бойсун тумани	"Мустақиллик"	400,0
11.	Қизирик тумани	"Рабатак"	583,4
		"Кунчиқиш"	1 095,0
		"Зарбдор"	3 075,0
12.	Қумқўрғон тумани	1-сон (Азларсой)	1 831,0
		"Янгиобод"	1 350,0
		2-сон (Азларсой)	2 475,0
		"Боғора"	2 753,0
		"Сурхон соҳили"	725,0
13.	Шеробод тумани	"Қорабоғ"	1 767,1
14.	Шўрчи тумани	"Жойилма"	919,6
		"Қораарик"	5 283,0
	Бандихон тумани	"Бектепа"	1 098,6



15.		"Бектепа"	3 550,0
	<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>35 та</b>	<b>72 573,7</b>

3-жадвалда кичик саноат зоналари кесимида Кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация тармоқларини етишмовчилигини баргараф этишга зарур бўладиган маблағлар келтирилган бўлиб, мавжуд 35 та кичик саноат зонаси электр энергия таъминоти, табиий газ, сув, канализация ва автомобил йўл қурилишига 72 573,7 млн.сўм талаб этилади.

Илғор хориж тажрибаси, хусусан Японияда ҳудудий тадбиркорлик ва аҳолини ижтимоий таъминоти молиялаштиришнинг муҳим манбаи хусусий молия институтлари томонидан амалга оширилади. Давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий кичик бизнес субъектларига кредитлар бўйича кафилик (тижорат асосида) бўлади. Сўнгги йигирма йилликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Японияда барча даражадаги бюджетларнинг даромад манбаи сифатида облигациялар эмиссия қилиш ва уни жойлаштиришдан шаклланди. Жумладан, 2000 йилдан маҳаллий резидентлари - жисмоний ва юридик шахслар учун маҳаллий оммавий таъминоти бозори учун мўлжалланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг облигациялари эмиссия қилинган. Шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тўғридан-тўғри молиялаштириш учун мақсадли венчур фондлари (НПТ –

Hometown Investment Trust Funds)дан кенг фойдаланган [19].

**Хулоса.** Олиб борилган илмий изланишлар ва таҳлилларга таянган ҳолда фикримизча ҳудудлар иқтисодий саноатлаштиришда маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш юзасидан қуйидаги таъминоти ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бюджет механизмидан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар кўпайтириш мақсадга мувофиқ;

маҳаллий бюджет қўшимча даромадларидан мақсадли фойдаланишда ҳудудларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳим бўлган коммунал хизматлар, йўл-транспорт инфратузилмалари яратиш беришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқаро амалиётда мавжуд «молиялаштиришнинг консессия механизми»дан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадга мувофиқ;

саноатлаштириш даражаси юқори бўлган ҳудудларда Япоиния тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимияти облигацияларини эмиссия қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6244/0539-сон
2. Richard A. Musgrave Cost-Benefit Analysis and the Theory of Public Finance // Journal of Economic Literature, Sep. 1969, Vol. 7, No. 3 (Sep. 1969), pp. 797-806. <http://www.jstor.com/stable/2720229>
3. Stiglitz, J. E. (1976). The efficiency wage hypothesis, surplus labour, and the distribution of income in LDCs. Oxford economic papers, 28(2), 185-207.
4. Wildavsky, A. (1966). The Political Economy of Efficiency: Cost-Benefit Analysis, Systems Analysis, and Program Budgeting. *Public Administration Review*, 26(4), 292–310. <https://doi.org/10.2307/973301>
5. Morin T. Partridge M. The impact of small regional economic development commissions: Is there any bang after just a few bucks? *Economic Development Quarterly*. 2021;35(1):22-39. DOI: 10.1177/0891242420972475
6. Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – 76 б.
7. Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили // «ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» журнали, 2015, 1-сон. – Б.30-34.
8. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Тошкент: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2007. – 245 б.
9. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Тошкент: «Marifat-madadkor», 2001. – 120 б.
10. Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // «Ҳаёт ва иқтисод». – Тошкент: 1992. 2-сон. – 11 б.
11. Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем // «Экономическое обозрение». – Ташкент: 2004. 6-сон. – С.4
12. Қобулов Х.А. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2006. – 23 б.
13. Исламкулов А.Х. Fiscal policy aimed at ensuring the equivalency of the budget in the medium term in Uzbekistan // Open Access Peer-reviewed Journal Science Review 9(26), November 2019. – Pp.3-6. DOI: [https://doi.org/10.31435/rsglobal\\_sr](https://doi.org/10.31435/rsglobal_sr)
14. [https://www3.weforum.org/docs/WEF\\_TheGlobalCompetitivenessReport2020.pdf](https://www3.weforum.org/docs/WEF_TheGlobalCompetitivenessReport2020.pdf)
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сон «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2019 й., 06/19/5621/2460-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги ПҚ-4363-сон «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.06.2019 й., 07/19/4363/3317-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПҚ-5101-сон «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2021 й., 07/21/5101/0401-сон.

18. Сурхондарё вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси маълумотлари асосида.

19. Наумова И.Ю. Бюджетный механизм регионального социально-экономического развития в Японии (на примере префектуры Хоккайдо) // Известия Восточного института. 2019. № 1. С. 56-62.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhетnyy-mehanizm-regionalnogo-sotsialno-ekonomicheskogo-razvitiya-v-yaponii-na-primere-prefektury-hokkaydo>